

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

**Дилором ТАШМУХАМЕДОВА
Дилдора КАРИМОВА
Ботир МАВЛОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ОИЛА

(Ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича)



СОВРЕМЕННАЯ СЕМЬЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

(По результатам социологических исследований)

Тошкент — 2019

УЎК: 316.362.7(575.1)(072)

КБК: 60.56(5Ў)

Т 29

Ўзбекистонда замонавий оила (Ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида). Современная семья в Узбекистане (По результатам социологических исследований) / Д.Ташмухамедова, Д.Каримова, Б.Мавлонов. Илмий-услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: “Yurist-media markazi”, 2019. – 136 б.

Масъул муҳаррир: Шухрат Деҳқонов

Тақризчи: Дилбар Алимжанова – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори ўринбосари

Нашр Ўзбекистонда замонавий оилани шакллантириш муаммолари ва мамлакатда содир бўлаётган демографик жараёнларга бағишланган.

Таҳлилий материаллар 2018 йилда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Республикасининг минтақаларида ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича тайёрланган бўлиб, оила институтини мустаҳкамлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қиладиган раҳбар шахслар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновация вазирлигининг “Ўзбекистонда оилани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишларини тадқиқ этиши” номли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланди.

ISBN 978-9943-5133-4-1

© Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази.

© “Yurist-media markazi” нашриёти

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Ўзбекистонда анъанавий оила модели шаклининг ўзгариши	7
Ўзбекистонда анъанавий оила моделлари.....	10
Замонавий оила моделига ўтиш	12
Оила-никоҳ ўзгаришлари ва норасмий (шаръий) никоҳлар.....	14
Тўй удумлари ва уларнинг ёш оила ҳаётига таъсири	22

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ АЖРАШИШЛАР: САБАБЛАР, ОҚИБАТЛАР ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАР

Оилавий ажрашишларнинг сабаблари	29
Оилавий ажрашишларнинг оқибатлари	44
Профилактик чоралар	49

1-Илова

Сирдарё вилоятида оилавий ажрашишлар профилактикаси ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режаси..... 53

2-Илова

Самарқанд вилоятида замонавий оилани шакллантириш, ажрашишлар ва эрта никоҳлар профилактикаси бўйича чора-тадбирлар режаси..... 62

СОДЕРЖАНИЕ

Введение	72
ТРАНСФОРМАЦИЯ ТРАДИЦИОННОЙ МОДЕЛИ СЕМЬИ В УЗБЕКИСТАНЕ	
Модели семьи в мире.....	73
Традиционная модель семьи в Узбекистане	77
Переход к современной модели семьи.....	79
Семейно-брачные трансформации и неформальные браки.....	81
Свадебные обряды и их влияние на жизнь молодой семьи	89
СЕМЕЙНЫЕ РАЗВОДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРИЧИНЫ, ПОСЛЕДСТВИЯ И ПРОФИЛАКТИЧЕСКИЕ МЕРЫ	
Причины семейных разводов	95
Последствия семейных разводов	109
Профилактические меры.....	115
Приложение № 1	
План мероприятий по профилактике семейных разводов и укреплению института семьи в Сырдарьинской области	117
Приложение № 2	
План мероприятий по формированию образцовой семьи, профилактике разводов и ранних браков в Самаркандской области	127

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг оила соҳасидаги сиёсати давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми сифатида “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган тўртинчи йўналишида белгилаб берилди.

Маълумки, оиладаги муҳит жамият ҳаётининг кўзгуси ҳисобланади ҳамда кучли, барқарор ва фаровон давлат куришда муҳим ўрин тутди. Бироқ, тузилаётган эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ёш оилалар ўртасидаги ажрашишлар, аёллар жиноятчилиги сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда, вояга етмаган шахсларнинг безорилик ва тартиббузарликлари каби ҳолатлар ҳануз учраб турибди. Демак, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш ва келажакда бу каби салбий ҳодисаларни бартараф қилиш учун, оилалар билан ишлаш тизимида янгича йўналишдаги ва самара берадиган механизмларни жорий этиш талаб қилинади.

Мазкур вазифа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонида ўз аксини топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги Қарори билан “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси” ва уни амалга ошириш юзасидан «Йўл харитаси» тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир нечта қарорлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга биноан, оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг яхши оилавий анъаналарни сақлаб қолиш ва тарғибот қилиш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш вазифаси қўйилди.

Мазкур таҳлилий маълумотномада «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг оилалардаги салбий ҳолатларни ўрганишга ва оилаларни мураккаб ҳаётий вазиятлардан олиб чиқиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтирилган аниқ натижалар ўз аксини топган.

ЎЗБЕКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ ОИЛА МОДЕЛИ ШАКЛИНИНГ ЎЗГАРИШИ ДУНЁДАГИ ОИЛА МОДЕЛЛАРИ

Дунё амалиётига назар ташланса, оила модели учта асосий турга ажратилади: анъанавий, замонавий ва собиқ иттифоқ давридан кейинги (инновацион) оила. Ушбу моделлар параллел тарзда ҳаракатда бўлиши мумкин, бироқ яққол ифодаланган тарихий кетма-кетликка эга.

«Анъанавий оила модели»да эркаклар ва аёлларнинг роли аниқ тақсимланган ва бириктирилган бўлади. Эркак – молиявий ресурслар тўпланган оила бошлиғи ва асосий қарорларни у қабул қилади. Шу муносабат билан оила ичидаги ролларнинг бириктирилиши пайдо бўлади. Аёл эркакка бўйсунди, у уй юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланади. Болалар, ўз навбатида, ота-оналарига бўйсундилар, ҳар қандай оила аъзосининг нуфузи унинг жинсига ва ёшига боғлиқ. Оилавий қадриятлар “ота-оналар – болалар” муносабатлари учун асос ҳисобланади.

“Замонавий оила модели”да эса, аёлнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мақоми ошиши оила ичидаги роллар ва оила ҳаёти меъёрларининг ўзгаришига олиб келади. Ота-она профессионал карьерасини ва оилавий мажбуриятларини мутаносиб равишда (тенгма-тенг) олиб боради. Фарзандларга тадбиркорлик кўникмалари ва мустақил бўлиш фикри сингдириб борилади.

«Собиқ Иттифоқ давридан кейинги (инновацион) оила модели» эса, жамиятни ривожлантириш истиқболлари, жаҳон иқтисодиёти талабларига ҳамоҳангдир. Бу, бир томондан асосий маданий қадриятлар ва муносабатларнинг авлодлараро айланишини, бошқа томондан эса оила муаммоларининг алоҳида эмас, балки глобал тарзда намоён бўлишига эътибор қаратиладиган, шунингдек, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш, инновацион ғояларни яратиш ва амалга оширишга қодир бўлган ёшлар сонини ошириш масъулиятини назарда тутаяди.

Ўзбекистонда оила моделларининг таснифланиши

Анъанавий оила модели	Замонавий оила модели	Инновацион оила модели
<p>Маънавий-ахлоқий тарбия</p> <p>Эркак – оила бошлиғи. Болалар ота-оналарига бўйсундилар, хар қандай оила аъзосининг нуфузи унинг жинсига ва ёшига боғлиқ. Оилавий кадриятлар “ота-она – болалар” муносабатлари учун асос ҳисобланади. Бунда бир неча авлод оилалар (бобо-буви, ота-она, ёш оиланинг бирга яшашлари) устунлик қилади.</p>	<p>Ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар</p> <p>Демократик замонавий ўзгаришлар ва бозор ислохотлари натижасида аёлларнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мақоми ошади.</p> <p>Моддий фаровонлик</p> <p>Оиланинг моддий фаровонлиги белгиланади. Фарзандларга тадбиркорлик кўникмалари ва мустақил бўлиш фикри сингдириб борилади.</p> <p>Таълим даражаси</p> <p>Таълим даражаси моддий фаровонликни белгилаб беради.</p> <p>Саломатлик</p> <p>Оиланинг нуқтаи назари касалликларни даволашдан кўра олдини олиш (профилактика) афзал экани ҳақидаги фикрга ўзгаради.</p>	<p>Ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар</p> <p>Илмий-инновацион хизматлар соҳасида оиланинг ижодий потенциали ва бандлиги ортгиб боради.</p> <p>Ижтимоий кадриятлар – карьера, ҳуқумронлик, фаровонлик (ва ҳоказо) омиллар кучаяди.</p> <p>Таълим даражаси</p> <p>Иқтисодиётда “илмий жиҳатдан асосланган” тушунчасидан фойдаланиш оила аъзоларининг таълим сифати ва даражасини оширишни талаб қилади. Таълим-тарбиянинг инновацион услублари жорий этилади, фарзандларга интеллектуал меҳнат кўникмалари сингдирилади.</p> <p>Саломатлик</p> <p>Соғлом турмуш тарзи, овқатланиш ва дам олиш маданияти ўзгаради.</p>

<p>Оиладаги психологик муҳит</p> <p>Эркак ва аёлнинг роллари аниқ белгиланган ва бириктирилган: эркак ишлаб пул топади, аёл – уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланади.</p>	<p>Оиладаги психологик муҳит</p> <p>Аёл мақомининг ошиши натижасида оилавий ҳаёт меёрлари ва оила ичидаги роллар ўзгаради.</p> <p>Ота-она профессионал карьерасини ва оилавий мажбуриятларини мутаносиб равишда (тенгма-тенг) олиб боради.</p> <p>Фарзанд тарбиясида оталик институти, ота-она муносабатлари ва ота-оналик масъулияти ҳам ўзгаради.</p>	<p>Маънавий-ахлоқий тарбия</p> <p>Оилавий кадриятлар маданияти, ўз шажарасига, аждодлар истеъдодларига, оила аъзоларининг жамият ва давлат олдидagi хизматларига муносабат ўзгаради.</p> <p>Оила кадриятлари “ота-она – фарзандлар” муносабатлари учун асос бўлиб қолади.</p>
<p>Ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар Моддий фаровонлик</p> <p>Молиявий ресурслар эр-как кўлида туплангани ва асосий қарорларни у қабул қилади.</p> <p>Таълим даражаси ва саломатлик</p> <p>Оила соғлиқни сақлаш бўйича давлат (беғул) хизматларига таянади.</p> <p>Барча оила аъзолари эркак қарамоғида бўлади</p>	<p>Маънавий-ахлоқий тарбия</p> <p>Турмуш шaroитларининг ўзгариши (урбанизация) оилавий кадриятлар меёрларини ҳам ўзгарттиради.</p> <p>Индивидуализм кадриятлари ортади.</p> <p>Салбий оқибаатлар намоён бўлади – оилалар тузилмалари ўзгаради:</p> <p>1) бир неча авлод оила (бобо-буви, ота-она, ёш оиланинг бирга яшашлари) анъаналаридан чекинилади;</p> <p>2) ажрашишлар сони ўсади, ёлғиз оналар кўпаяди ва бошқа омиллар.</p>	<p>Оиладаги психологик муҳит</p> <p>Оилалар фаровонлигининг ўсиши, жамиятни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш жисмоний уй меҳнатини (шу жумладан, маиший жанжаллар ва низоларни) камайтиради.</p>

Манба: «Оила моделларининг таснифланиши». «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган, 2018.

ЎЗБЕКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ ОИЛА МОДЕЛЛАРИ

Оилаларда ўтказилган сўровлар натижалари бўйича¹ Ўзбекистонда оила аъзолари ўртасида аниқ иерархия, оила аъзоларининг функциялари ва вазифалари тақсимланиши билан тавсифланадиган оила модели мавжудлиги маълум бўлди. Яъни, оилада етакчи – уйдаги тартиб ҳамда оила аъзолари масъулиятига жавоб берадиган, юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш ва оила бюджетини бошқариш кафолати ҳисобланган оила бошлиғи бор.

Сўнгги йилларда оиладаги етакчилик масаласи бўйича жамоат фикрининг ўзгариш тенденцияси қайд этилди. Агар 2015 йилда 81 фоиз респондентлар оилада етакчи эркак киши бўлиши кераклигини қайд этган бўлса, бир неча йиллар ўтиб, оиладаги етакчиликни жинсга эмас, балки ёшга қараб белгилаганлар сони ортди (2015 йилдаги 15 фоиздан 2018 йилда 21 фоизга ўсган).

Бундай сўровлар натижалари бўйича эркаклар оила аъзолари олдида муайян мажбуриятларга эгаллиги маълум бўлди. Булар қаторига моддий фаровонлик (респондентларнинг 90 фоизи) ва қониқарли турар-жой шароитлари (47 фоиз), фарзандларга таълим олиш учун имконият яратиш (22 фоиз), фарзандлар тарбиясида иштирок этиш (34 фоиз) киради.

Аёлнинг мажбуриятларига фарзандлар тарбияси (64 фоиз) ва уларни парваришлаш (55 фоиз), уй хўжалигини юритиш (50 фоиз) ва оилада қулай психологик муҳит учун жавобгарлик (30 фоиз) киради. Шу билан бирга, оилада мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш учун, ўзаро тушуниш, ҳурмат ва сабр-тоқат (61 фоиз), моддий фаровонлик (28 фоиз) ва бошқалар бўлиши керак.

¹ Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё». «Ижтимоий фикр» маркази, 2018.

Сизнинг оила аъзоларингиздан ким асосий оила боқувчиси ҳисобланади ва оила бюджетига ким кўпроқ ҳисса қўшади? (фоизда)	2015 й	2017 й	2018 й
Ота (эр)	74	70	74
Она (хотин)	6	7	5
Эр-хотин бир хил даражада	7	6	5
Бобо	2	3	4
Буви	1	1	2
Бошқалар	10	13	10
Оила аъзоларингиздан ким оила бюджетини бошқаради?			
Ота (эр)	57	62	61
Она (хотин)	14	11	9
Эр-хотин бир хил даражада	19	13	13
Бобо	5	7	8
Буви	5	4	6
Бошқалар	0	3	3

Манба: «Ижтимоий фикр» маркази, 2018.

Хулоса шуки, Ўзбекистон оилаларининг кўз ўнгида анъанавий оила – бу ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида қурилган, оила бошлиғининг юқори обрўси ва ёши катталарни қадрлаш ҳамда фарзандлар ҳақида қайғуриш билан тавсифланадиган бир неча авлодли оиладир.

ЗАМОНАВИЙ ОИЛА МОДЕЛИГА ЎТИШ

XX аср охирларида бошланган ва бугун ҳам изчил давом этиб келаётган демократик, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар ошишига қулай шарт-шароит яратди. Ушбу янгиланишлар аҳоли аксарият қисмининг, айниқса, шаҳарлар ҳудудларидаги оилаларнинг «замонавий оила модели»га ўтишларида қулай имкониятларни тақдим этди.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган сўровлар² натижаларига кўра, аксарият респондентлар замонавий намунали оила – бу соғлом ва муайян маълумотга эга бўлган оила аъзоларига, моддий фаровонлик ва қулай психологик муҳитга эга бўлган, фарзандларни анъанавий миллий қадриятлар асосида тарбияловчи, ФХДЁда расмий рўйхатдан ўтказилган тўлиқ (ота ва она мавжуд) оила эканини таъкидлашган.

Оилаларда ўтказилган мазкур сўровлар замонавий намунали оиланинг устувор мезонларини аниқлаш ва уларни умумлаштириш имконини берди:

✓ оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ўзаро бир-бирини тушунишга қаратилган қулай психологик муҳит, ота-оналарни, катта авлод вакиллари (бобо ва буви) кадрлаш, сабр-тоқат ва оиладаги келишув замонавий намунали оиланинг асосий жиҳатлари эканини сўралганларнинг 24 фоизи қайд этди;

✓ фарзандларни миллий-маданий қадриятларга, анъанавий урф-одатларга таянган ҳолда, бурч, масъулият ва интизом туйғуларини эътиборга олиб, шунингдек, ота-оналар ўзларининг намунали хулқи, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, мулоқот ва муомала маданияти, илмий маълумотини ибрат қилиб маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш замонавий намунали оиланинг асосий


2 Ўзбекистон минтақаларидаги 800 та оилада ўтказилган социологик сўровлар натижалари бўйича «Ўзбекистонда замонавий намунали оила модели» таҳлилий маълумоти. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, 2018 й.

мезонларидан бири эканини респондентларнинг 23 фоизи эътироф этди;

✓ уддабуронлик, тадбиркорлик, муқим иш ва етарли даромад билан таъминланганлик, оила бюджетини тўғри тақсимлай олиш, оила ўз жамғармасига эга экани, қулай уй-жой ва маиший шароитларни ўз ичига олувчи моддий фаровонлик замонавий намунали оила мезони эканини сўралганларнинг 18 фоизи алоҳида таъкидлади;

✓ келгусида оила аъзоларининг мавқеи ва мартабасини ошириш ҳамда жамиятга манфаат келтиришини таъминловчи, интеллектуал, юқори самарадорлик ва юқори ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлиши имкониятини таъминловчи сифатли таълим даражаси замонавий намунали оила мезони бўла олиши ҳақидаги фикрга респондентларнинг 17 фоизи эга;

Замонавий намунали оилани шакллантириш мезонлари, (%)



Манба: «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган социологик сўровлар. 2018 й.

✓ сўралганларнинг 13 фоизи эса, замонавий намунали оила мезонларини жисмоний ва психологик саломатликни қувватлаб туриш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, бутун оиланинг спорт билан доимий шуғулланиши, дам олишни тўғри ташкил этиш, овқатланиш ва гигиена маданиятини оширишда, деб билади.

Шундай қилиб, анъанавий миллий-маданий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва демографик ислохотлар таъсири остида анъанавий оила моделининг ўзгариши юзага келади. Оила институтини мустақамлаш, замонавий, фаровон ва соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган фарзандларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълим олиш мезонлари кейинчалик биринчи ўринга чиқади.

ОИЛА-НИКОҲ АНЪАНАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА НОРАСМИЙ (ШАРЪИЙ) НИКОҲЛАР

Оила-никоҳ анъаналарида юз бераётган ўзгаришлар дунё амалиётида анъанавий оилалар билан бир қаторда, норасмий жуфтликларнинг (расмий рўйхатдан ўтказилмаган «фуқаролик» никоҳларининг) мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда. Бундай никоҳлар Европа ва МДҲнинг Европа қисми – Россия, Украина, Беларусь ва бошқа давлатларда кенг тарқалганини кўриш мумкин. Бутун дунёдаги рўйхатдан ўтказилмаган никоҳларнинг расмий статистикаси мавжуд бўлмагани сабабли, ёлғиз аёллардан туғилган фарзандлар сонини аниқлашда қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Европа давлатларида ушбу кўрсаткич 30-60 фоиз, Россияда – 20 фоиздан юқори, Осиё мамлакатарида – 2-10 фоиз, Ўзбекистонда – 8 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда норасмий (шаръий) никоҳда бўлган аёллардан туғилган фарзандлар

Йил	Туғилган болалар сони (нафар)	Умумий туғилиш сонига нисбати (%)	Россияда (%)
2014	61.267	8,5	23,0
2015	61.145	8,3	22,6
2016	60.209	8,3	21,1
2017	60.913	8,5	аниқлан-маган

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Ўзбекистонда эркак ва аёл ўртасида қонун нормалари билан белгиланган талабларга мажбурий тарзда риоя қилган ҳолда оила қуриш мақсадида тузилган ва эр-хотин ўртасида ўзаро шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ-мажбуриятларни келтириб чиқарувчи ихтиёрий иттифоқ никоҳ саналади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида тузилган никоҳгина ҳақиқӣ, деб тан олинади. Ўзбекистонда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ҳар йили 300 мингтага яқин никоҳ қайд этилади. Хусусан, 2017 йилда 306,2 мингта никоҳ расман рўйхатдан ўтказилган ёки ҳар 1000 нафар аҳолига 9,5 та никоҳ тўғри келган.

Никоҳлар ва ажрашишлар

Йил	Сони, (минг)		Ҳар 1000 нафар аҳолига нисбатан	
	Никоҳлар	Ажрашишлар	Никоҳлар	Ажрашишлар
2014	296,1	28,8	9,6	0,9
2015	287,6	29,6	9,2	0,9
2016	275,0	29,3	8,6	0,9
2017	306,2	31,9	9,5	1,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Қонунчилик билан белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган – рўйхагдан ўтказилмаган никоҳлар – ҳатто умумий ҳўжалик юритилганда ҳам ва умумий фарзандларга эга бўлганда ҳам – юридик жиҳатдан тан олинмайди. (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 64-моддаси (ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари)га кўра, ушбу Кодекснинг 61- (Ота-онанинг аризи си бўйича боланинг насл-насабини белгилаш) ва 62-моддалари (Оталикнинг суд тартиби- да белгиланиши)да назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар).

Кўп ҳолларда Ўзбекистонда никоҳ тузиш ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмаган анъанавий диний усулдаги *шаръий никоҳга* таянади. Якуний натижаларга кўра³, сўров ўтказилган оилаларнинг 90 фоизи шаръий никоҳдан ўтишни мажбурий, деб ҳисоблайди.

Шубиланбирга, Ўзбекистоннинг алоҳида минтақаларида ФХДЁ давлат органларида рўйхатдан ўтмасдан, аёллар ва болалар учун бир қатор салбий оқибатларга эга бўлган исломий никоҳлар удуминигина ўтказиш тенденцияси кузатилади. Мустаҳкам ва соғлом оила тузилишидан манфаатдор бўлган давлат юридик жиҳатдан нотўлиқ бўлган бундай иттифоқларга салбий муносабатдадир.

«Оила» маркази анкета тарқатиш услуги билан Андижон вилоятининг 465 та оиласида сўровлар ўтказди. Тадқиқотнинг мақсади – бундай никоҳларда аёллар ва болалар дуч келадиган муаммолар ва бундай никоҳлар тузишнинг сабабларини аниқлашдан иборат эди. Шу боис сўровлар учун мақсадли гуруҳ сифатида кўпроқ ФХДЁ органларида расмийлаштирилмаган, бироқ шаръий никоҳ бўйича яшовчи оилалар танлаб олинди.

Натижалар шуни кўрсатдики, сўров вақтида 66 фоиз респондент бир оиллага, 31 фоизи – икки оиллага (шундан эркаклар – 42 фоиз), 3 фоизи – уч оиллага эга бўлган. Сўров ўтказилганлардан 90 фоизининг фарзандлари бор бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи норасмий никоҳдан туғилган. Шаръий никоҳ, айниқса, қишлоқ ҳудудларида кўп тарқалган.

Расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда, шаръий никоҳда яшайдиганларнинг умумий қиёфаси шуни кўрсатдики, аёллар ўртасида – булар кўпроқ ишламайдиган, ўрта махсус маълумотли, моддий таъминоти ўрта ва ўртадан паст даражада, 1–2 нафар фарзандлари

3 Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё». «Ижтимоий фикр» маркази, 2018.


бор респондентлардир. Эркаклар ўртасида эса – бу ўрта ёшдаги (30–40), кўпчилиги олий маълумотга эга бўлмаган, ўртача моддий таъминотга эга, 2 ва ундан ортиқ фарзанди бор респондентлардир.

«Рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда, фақат шаръий никоҳда яшашни меъёр деб ҳисоблайсизми?» деган саволга 88 фоиз респондент салбий жавоб қайтарди. Бу жавоб аёллар ва эркаклар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, барча ёшдагилар ўртасида бир хил бўлди.

Сўралганлар ичида ёш аёллар норасмий шаръий никоҳларнинг асосий ташаббускорлари уларнинг ота-оналари (49 фоиз), эрлари (34 фоиз) ва фақат 16 фоиз ҳолатда – ўзлари ҳисобланишларини қайд этишди.


Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳлар тарқалишининг асосий сабаби эса, оиладаги муаммолар, моддий қийинчиликлар, биринчи никоҳдан ажрашиш имкониятининг йўқлиги ва бошқалар саналаши маълум бўлди.

Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳларнинг тарқалиш сабаблари, (%)



Манба: «Оила» Илмий-амалий тадқиқот марказининг Андижон вилоятида ўтказган социологик сўровлари, 2018 й.

Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳларнинг оқибаглари, %



Манба: «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Андижон вилоятида ўтказган социологик сўровлари, 2018 й.

«Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳларнинг салбий оқибатлари ҳақида биласизми?», деган саволга 85 фоиз респондент ижобий жавоб бериб, бу салбий оқибатларни ўз бошидан ўтказганини таъкидлади: 32 фоизи – бола туғилганида хужжат олишда, 19 фоизи – турар-жойи бўйича рўйхатга қўйишда (прописка), 11 фоизи – меросни белгилаш ва олишда, 12 фоизи – мулк ҳуқуқи белгиланганида, 19 фоизи – турмуш ўртоғи томонидан масъулиятсиз муносабатда бўлиш муаммоси билан тўқнашган. Сўралганларнинг фақат 5 фоизигина ҳеч қандай муаммога дуч келмаганини маълум қилган.

Шу билан бирга, 95 фоиз респондент меъёрий тўқис оилада, болалар тақдири учун масъул бўлган эр билан, мулкий ҳуқуқлари чекланмаган ҳолда эртанги кунга ишонч билан яшашни истагини билдирди. Улар норасмий никоҳда яшашга мажбур бўлаётганларининг асосий сабабларидан бири сифатида турмуш ўртоқлари биринчи никоҳидан ажрашмагани ва оиласи бор эканини кўрсатиб ўтишди. Аёлларнинг бир қисми эса, меҳнат миграциясида бўлган эрлари билан алоқалар узилгани боис биринчи никоҳини бекор қила олмаётганликларини қайд этдилар.

«Оилангизда низолар бўлиб турадимми?» деган саволга фақат 17 фоиз респондент камдан кам, 76 фоизи – баъзида, 7 фоизи – сурункали равишда, деб жавоб берди. Яъни, бундай вазият нафақат ҳуқуқий муаммолар нуқтаи назаридан ноқулай, балки оиладаги доимий можаролар ва ноқулай психологик муҳитнинг ҳам манбаи ҳисобланади. Энг ачинарлиси, бундан биринчи навбатда болалар ҳар томонлама азият чекади.

Юқоридагилардан қандай хулосаларга келиш мумкин?

Биринчи – анъанавий, замонавий ва инновацион оила моделлари Ўзбекистонда параллел, бироқ турли миқёсларда ишлаб турибди. Анъанавий оила модели

кўпроқ учрайди. Йирик шаҳарларда таълим олишга, соғлом турмуш тарзига ва моддий фаровонликка асосланган замонавий оила модели кенг тарқалган. Фақат оилаларнинг кичик қисмигина инновацион моделга киради. Бу оилалар юқори ижодий ва илмий потенциалга эга бўлиб, уларда оила аъзоларининг нуқтаи назари ўз оиласининг шахсий муаммоларига эмас, балки жамиятнинг муаммоларига қаратилган. Бунда оилавий қадриятлар ва оила анъаналари «эр ва хотин» «ота-она – фарзандлар» муносабатлари учун негиз бўлиб қолади.

Иккинчи – оила моделининг ўзгаришлари оилавий қадриятлар ва оила-никоҳ муносабатлари нормаларининг ҳам ўзгаришига, хусусан, кўп авлодли оилалардан чекинишга, индивидуализм қадриятларининг ўсиши ва норосмий иттифоқларнинг (рўйхатдан ўтказилмаган «фуқаролик» никоҳлари) тарқалишига олиб келади. Бундан ташқари, турмуш шароитларининг ўзгаришлари (урбанизация), аёлларнинг ижтимоийлашуви ажрашишлар сонининг ўсишига, ёлғиз оналарнинг кўпайишига ва бошқа нохуш оқибатларга олиб келади. Бундай ҳодисаларнинг оқибатлари фарзандларга, эр-хотиннинг ўзига ва умуман, жамиятга салбий таъсир кўрсатади.

ФХДЁ органларида расмийлаштирилмаган, бироқ шаръий никоҳ удуми билан тузилган никоҳларнинг тарқалиш динамикаси ижтимоий ва иқтисодий омилларга боғлиқ. Ижтимоий омилларга ҳуқуқий билимлар даражасининг пастлиги, ислом оила ҳуқуқида белгиланган оила муносабатларининг ҳақиқий тартиблари ва меъёрлари, никоҳ шартлари, унда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, никоҳни бекор қилиш асослари ва бошқа соҳалардаги билимларнинг етишмовчилиги киради. Ушбу йўналишда қуйидагилар мақсадга мувофиқ саналади:

— ҳам катта ёшлилар (ёш қизлар ва аёллар учун норасмий диний никоҳларнинг асосий ташаббускорлари уларнинг ота-оналари ҳисобланадилар), ҳам аҳолининг ёш қатлами ўртасида самарали маънавий-маърифий ишлар олиб бориш, уларнинг онгида, маънавий дунёқарашида оиланинг моддий фаровонлиги, фарзандларнинг таълим-тарбияси, оиладаги қулай психологик муҳит ва бошқалар учун жавобгарлик туйғусини шакллантириш;

— ислом оила ҳуқуқининг асл мазмун-моҳияти бўйича оилани шакллантириш юзасидан билимлар даражасини ошириш;

— оилавий муносабатлар тартибга солинган Қуръон оятлари ва Ҳадислар мисолида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

— эр-хотин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи нормаларни, эр ва хотиннинг, ота-она ва фарзандларнинг маънавий ва ҳуқуқий мажбуриятларини кенг тушунтириш ва жорий этиш.

Муаммонинг иқтисодий жиҳати ёшларнинг, айниқса, болали ёш аёлларнинг, ёлғиз оналарнинг бандлигини таъминлаш масалаларини ўз ичига олади ва бу орқали уларда боқимандаликни эмас, балки фаол турмуш тарзини тарбиялаб боради. Ёш аёллар учун ишлаш ва пул топиш имконияти шаръий никоҳ орқали тузилган бўлса ҳам, норасмий (мажбуран) никоҳларни тузиш ҳолатларининг сонини қисқартиради.

ТЎЙ УДУМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁШ ОИЛА ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Қадим-қадимдан никоҳга кириш, оила қуриш инсон ҳаётидаги энг муҳим ҳодиса ҳисобланади. Бу жараёнда ёш оиланинг анъанавий оилавий қадриятларга риоя қи-

лиши, бахтли, фаровон, осуда ва тинч-тотув турмуш кечириб, соғлом зурриётларни дунёга келтириши ва фарзандларини тўғри тарбиялаши, бу борада асрлар давомида шаклланган урф-одатларга таяниши жамоатчилик томонидан кузатилиб борилади. Ўз навбатида, оила қуриш учун ўтказиладиган маросимларнинг маълум бир жойгагина хос бўлган минтақавий ҳамда умуммиллий маросим ва анъаналари мавжуд. Ўзбек тўйларини ўтказишда ана шундай астойдил ва жуда узоқ тайёргарлик кўриладиган анъанавий маросимларнинг алоҳида аҳамияти борлигини ва улар бошқа маросимларга қараганда анча кўплигини кўриш мумкин.

Тўй удумларига оид барча маросимларни шаклланган анъаналарга мувофиқ ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар бугунги кунда ҳам оила бюджетининг моддий жиҳатдан энг қимматга тушадиган молиявий-харажат қисми бўлиб қолмоқда. Бу катта ҳажмдаги харажатлар баъзан никоҳ қураётган жуфтликларнинг ота-оналари, қайнона-келинлар ўртасидаги низоларга сабаб бўлади, оқибатда бу можаролар туфайли ёш оила бутунлай ажрашиб кетиши ҳам мумкин.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Наманган вилоятида ўтказилган ижтимоий сўровлар⁴ тўйгача, тўй вақтида ва тўйдан кейинги бажариладиган маросим ва тадбирларнинг қайси бири маъқул, қайсилари мажбурий эканлигини ва улар қай тарзда ёш оилаларнинг ҳаётига таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини берди.

Аёллар, эркаклар ва ўқувчилар орасидан саралаб олинган 6 та фокус-гурухда ўтказилган сўровлар тўй удумларининг асосий босқичларини: тўйгача – тўй вақтидаги – тўйдан кейинги удумларни аниқлаш имконини берди.

4 Тўйлар ва оилавий тадбирлар бўйича тадқиқотлар. «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Наманган вилоятидаги социологик тадқиқоти, 2018 й.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТҶҲЙ УДУМЛАРИ БОСҚИЧЛАРИ

ТҶҲйгача	ТҶҲй вақтидаги	ТҶҲйдан кейинги
Совчилик Учрашув Ишониш (оқлик бериш, нон синдириш) Пахта берди (тилла тақди) Уй таъмирлаш (куёвнинг уйида таъмирлаш) ТҶҲй (юк) берди Сеп ёйиш (уй ясатиш) ФҶҲДЁ	Ош бериш Куёвнавкар Никоҳ ўқитиш Хатми Куръон Қиз базми Куёв базми	Рукшон (келин салом, юз очди) Ота кўрди Куёв нонуштаси Куёв чақириқ Ҷайитлик Ақиқа (бешик тҶҲйи)

Манба: «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Наманган вилоятида ўтказган социологик сўровлари, 2018 й.

Удумлар совчилик ва икки оила аъзоларининг танишуvidан – ёшларнинг учрашуvidан, унаштиришдан бошланади, кейинчалик эса – тҶҲй ва тҶҲйдан кейинги куёвнавкар, рукшон (келин салом), ота кўрди, куёв чақириқ маросимлари ўтказилади. Наманган вилоятида совғалар алмашиш пахта берди, тҶҲй (юк) берди, уй кўрди, сеп ёйди, сарпо, рукшон, ота кўрди, куёв чақириқ, куёв нонушта, Ҷайитлик, ақиқа каби удумларда намоён бўлади. Совға алмашишнинг маъноси авваллари никоҳдан ўтувчиларни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган бўлса, ҳозирги вақтга келиб у икки оиланинг

ижтимоий мақомини намоёиш қилишга айланди. Маҳаллий ҳамжамиятни янги оила тузилаётганидан хабардор қилиш *ош бериш*, *қиз базми*, *аёлларнинг келини олиб кетиш маросими*, *куёв базмини ўз ичига олади*. Бунда ёши катталар ҳам, ёшларнинг тенгдошлари ҳам хабардор қилинади. Наманган вилоятида *ош беришга* 200 кишидан 300 кишигача, *қиз базми* ва *келин олиб кетишга* 60 киши, *куёв базмига* 100 кишидан 150 кишигача меҳмон чақирилади.

Наманган вилоятида тўй ўтказиш босқичлари ҳақида нафақат катта ёшли аҳоли, ҳатто ёш болалар ҳам биладилар. Тўғри, баъзи туманлардаги фарқ шундаки, кўплаб удумлар турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, алоҳида туманларда *сеп ёйиш* удуми йўқ. Никоҳ тузаётганларнинг учрашуви истироҳат боғлари ёки қахвахоналарда эмас, балки аксарият ҳолларда келиннинг уйида бўлиб ўтади. Бунинг боиси, удумларга кўра, унаштирилган қиз никоҳдан ўтгунча куёв билан учрашмаслиги керак. Шунинг учун учрашувлар доим гувоҳлар иштирокида ўтади.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча удумлар куёв ва келин томон ота-оналарининг ўзаро келишуви билан ўтказилади. Тўйнинг барча удум ва маросимларининг бажарилиши мажбурий эканини белгилаб берувчи аксарият ота-оналарда эса, «*орзу-ҳавас*» деган нуқтаи назар мавжуд. Урфга кирган маросимларнинг бирор бир элементини бажармаслик жамоатчилик томонидан никоҳ қураётган ёшларнинг тавсифномасида камчилик сифатида қабул қилинади. Масалан, агар куёв томон келиннинг ота-онасига тўй олдидан (*юк*) *бериш*⁵ удумини ўтказмаса, бўлғуси келин учун совға-саломлар олишни эп

5 *Тўй (юк) бериш* – тўйгача куёв томон озиқ-овқат маҳсулотлари (кўй, ўсимлик ёғи, бир қопдан сабзи, пиёз, гуруч) ва қимматбаҳо сарполар жўнатади. Маҳсулотлардан келиннинг уйида кейинги куни ош тайёрланиб, элга тарқатилади.

кўрмаптимми, демак қизнинг қандайдир камчилиги бор экан, деган тўхтамга келишади. Бошқа томондан эса, агар ота-она узатаётганида ўз қизига “эл қатори” сеп қилмаса, унда янги оилада янги келинга турли иддаолар қилинади, мабодо, турли низолар юзага келса, қайнона, қайнисингил ёки бошқа қариндошлар томонидан ота-онасининг мутлақо “орзу-ҳавас”лари йўқ экани юзига солинади.

Яна бир тарафдан, тўй удумлари нафақат тантанали маросимларни ўтказишга, балки ёш оиланинг узоқ йилларга мўлжалланган турмушини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам йўналтирилган. *Сарпо* ва *сеп* – мебеллар тўплами, идиш-товоқ, маиший техника, келин-куёв, уларнинг қариндошлари учун турфа хил кийим-кечак ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бу жуда қимматга тушадиган удум ҳисобланиб, сеп ва совғаларни йиғишга ҳатто қиз туғилган вақтдан бошлаб тайёргарлик кўрилади. Ота-она қизининг *сепига* бугунги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган тахмон-тахмон *кўрна-тўшак*, *кўрпача* ва *ёстиқлар* тайёрлаб боради. Наманган вилоятида *сеп* учун сарфланадиган харажатларнинг умумий суммаси 5 миллиондан 10 миллион сўмгача ўзгариб туради. Ва бу маблағни респондентлар энг паст даражадаги сумма, деб ҳисоблайдилар. Бунда харажатларнинг энг салмоқли қисми келин бўлмишнинг она-онаси зиммасига тушади.

Удумларнинг қайсилари мажбурий, қайсилари ихтиёрий ҳисобланади?

Респондентларнинг фикрига кўра, Наманган шаҳрида 40 нафардан 70 нафар кишигача иштирокчи таклиф этиладиган *руқшон*, *ота кўрди*, *куёв чақирқиқ*, *куёвнавкар* каби удумларни тўй маросимлари қаторидан бутунлай чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ

туманларида, зарурат бўлса, бундай удумларни фақат оила аъзолари учунгина тор доирада сақлаб қолиш керак.

Совғалар алмашиш масаласида эса, сўровда иштирок этган шаҳарда яшовчилар ҳам, қишлоқда яшовчилар ҳам тўй удумларининг барча босқичларида совғалар алмашишни қисқартириш кераклигини таъкидлашди. Никоҳ тузаётган ёшлар учун энг зарур бўлган буюмлар ва ашёлар рўйхатини тузиб, келин ва куёвнинг ота-оналари, гувоҳлар (масалан, маҳалла фуқаролар йиғинлари аъзолари ва фаоллари, диний идоралар вакиллари) иштирокида бу ҳақида бир тўхтамга келиб олиш керак. Бундан ташқари, респондентлар тўйдан кейин ўтказиладиган *куёв нонуштаси*, *ота чақирди ва руқшон* каби анъаналар бугун ўзининг мазмун-моҳиятини йўқотган, деб ҳисоблайдилар.

Ёшлар ва катталар орасида маҳаллий ҳамжамиятни ўтказиладиган тўй ҳақида хабардор қилиш удумини ҳам қисқартириш мумкин. Масалан, эркаклар катта ёшлилар учун *ош бериш*, аёллар учун *руқшон* ёки *келин олиб кетиш*, йигитлар учун *куёвнавкар*, қизлар учун ёшлар келиннинг уйига дастурхон билан келишиб ўтказиладиган *қиз базмини* қолдиришнинг ўзи кифоя, деб ҳисоблайдилар.

Тўй тантаналари ва удумлари ёш оила ҳамда улар ота-оналарининг ҳаётига қандай таъсир кўрсатади? Респондентлар, асосан, уларнинг салбий оқибатларини қайд этиб ўтдилар. Хусусан, катта ёшдаги авлод тўй оилани қарз олишга ёки мулкининг бир қисмини сотишга мажбурлаб қўяди, деган фикрда. Катта харажатлар, охир оқибат тўй қилган оила аъзоларининг соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Келиннинг сарпосига бериладиган буюмлар сони ва сифати туфайли юзага келаётган низоли вазиятлар,

аксарият ҳолларда ёш оилаларнинг ажрашиб кетиши билан тугамоқда.

Респондентлар ушбу муаммони ҳал қилишнинг қандай мақбул йўллари кўрмоқдалар? Уларнинг фикрича, удумларнинг ҳамма учун ягона стандарти белгиланиши ва бу оиланинг ижтимоий аҳволига боғлиқ бўлмаслиги керак. Ёшларни никоҳга моддий эмас, балки маънавий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, уларни ҳақиқий муҳаббат ва ўзаро самимий ҳурмат асосланган муносабатларнинг тарихий мисолларидан келиб чиққан ҳолда тарбиялаш мақсадга мувофиқ.

Респондентларнинг фикрича, яна алоҳида тўй анъаналари (*учрашув, танишув, совчилик, сарпо, ош бериш, қиз базми, куёв базми*)ни сақлаб қолиш керак, бироқ, бу удумларни ўтказишда сарфланадиган маблағларни чегаралаб қўйиш лозим. Шу йўл билан «орзу-ҳавас» тамойили бўйича оилаларнинг нооқилона ва ортиқча харажатларини қисқартириш зарур. Ота-оналарнинг онгидаги хулқий андазаларни ўзгартириб, оила бюджетини ёш оила қурган шахсларнинг боқимандаликка берилиб совғалар кутишларига эмас, балки уларнинг таълим олишлари, мустақиллик ва ўзини ўзи таъминлаш кўникмаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш даркор.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ АЖРАШИШЛАР: САБАБЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАР

ОИЛАВИЙ АЖРАШИШЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

Ажрашиш – бу эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг расман бекор қилинишидир. Ажрашишлар динамикасини баҳолаш учун:

1) ҳар минг кишига тўғри келадиган бир йил ичидаги ажрашишлар сони сифатида аниқланадиган ажрашишлар коэффициенти (ажрашиш коэффициенти);

2) ажрашишлар сонининг тузилган никоҳлар сонига нисбати.

Ўзбекистонда:


– 1991 йилда никоҳ тузиш коэффициенти ҳар 1000 нафар аҳолига 12,9 тани, ажрашиш коэффициенти – 1,6 тани;

– 2012 йилда эса – тегишинча 10тани ва 0,6 тани;

– сўнгги 3 йилда – 9 тани ва 0,9 тани ташкил этди.

Фоиз нисбатида, 1991 йилда тузилган ҳар 100 та никоҳнинг 12 тадан ортиғи барбод бўлган, 2012 йилда эса – 6 та никоҳ, сўнгги уч йилда – 10 тадан ортиқ никоҳ бекор қилинган.

Никоҳлар ва ажрашишлар сонининг нисбати,%




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

Бошқа давлатларга нисбатан, Ўзбекистонда ажрашишлар кўрсаткичлари анча паст. Мисол учун, Россия, Европа давлатлари ва АҚШда никоҳларнинг деярли ярми ажрашиш билан якун топади.

Бироқ, барибир Ўзбекистонда сўнгги йиллар ичида ажрашишлар сони ортиб бормоқда. Шунингдек, барча ривожланган давлатларда содир бўлаётган оила институти нуфузининг пасайиши Ўзбекистонда ҳам ажрашишлар тенденцияси ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу таҳлилларда турли давлатлардаги ажрашишларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг Ўзбекистонга таъсири кўриб чиқилган.

Бугун дунё бўйлаб ажрашишлар статистикаси



Ажрашишлар динамикаси ўсишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

иқтисодий – моддий ҳолат танглиги, турар жой шароитларининг ёмонлиги;

ижтимоий – ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилганлик, бепуштлик ёки фарзанд кўриш истагининг йўқлиги, эрта никоҳ қуриш ва эрта ҳомиладорлик, эр-хотиндан бирининг жинсий қониқмаслиги;

психологик – оиладаги оғир психологик муҳит, доимий жанжаллар, ота-оналарнинг ёш жуфтлик ҳаётига аралashiши, ёш эр-хотинни бир биридан бегоналаштириш, бир бирига бўлган бефарқлик, компьютер ва мобиль телефонга тобелик;

маънавий-ахлоқий – жамиятда оила институти аҳамиятининг пасайиши, ноанъанавий оила шакллари қораланмаслиги, сурункали хиёнатлар ёки эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давом этган никоҳдан ташқари алоқалари;

тарихий-маданий – ажрашиш жараёнининг осонлиги (шариат бўйича эр «талoқ» сўзини уч марта айтса, никоҳ бузилади), оилавий анаъаналар ва қадриятларнинг қадрланмаслиги, авлодлараро ўзаро алоқалар ва муносабатларнинг йўқолиб бориши.

Ўзбекистонда оилавий ажрашишлар омиллари ва сабабларини аниқлаш учун доимий равишда ижтимоий сўровлар ўтказиб бoрилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти 2010 – 2015 йилларда БМТ фонди билан биргаликда аҳоли орасида 4 та тадқиқот ўтказди, уларда сўров модулларидан бири ажрашишларнинг сабаблари ҳақидаги масалаларга бағишланди. Натижалар шуни кўрсатдики,

республикадаги ажрашишларнинг асосий сабаблари оиладаги мавжуд моддий аҳволнинг қониқарли эмаслиги ва маиший масалалар юзасидан келиб чиқадиган турли жанжаллар (26 фоиз), ноқулай шахсий муносабатлар – характерларнинг тўғри келмаслиги, қизиқишларнинг турлича экани, яъни фарқланиши (19,3 фоиз), ичкиликбозлик туфайли тан жароҳатлари етказиш (16 фоиз), хиёнат ва жинсий муносабатлардаги қониқмаслик (10 фоиз), қариндошлар ва ота-оналар билан ўзаро муносабатлардаги нохуш ҳолатлар (10 фоиз)⁶ бўлиб ҳисобланади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2018 йилда ўтказган сўровлари натижалари бўйича эса, оилаларнинг барбод бўлишига ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрланмагани (34,5 фоиз), моддий етишмовчиликлар (26,2 фоиз), эр-хотин қизиқишларининг ва дунёқарашининг бир бирига тўғри келмаслиги (10,6 фоиз), ёш эр-хотиннинг бир бирига бефарқлиги (19,5 фоиз), ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик (3,3 фоиз)⁷ каби ҳолатлар асосий сабаблар эканлиги аён бўлди.

Минтақаларда ўтказилган аниқ мақсадли сўровлар ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини, аҳоли менталитетини ва тарихий-маданий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ўша минтақанинг ҳозирги ҳолатини намоён қилади, шунингдек, оилавий ажрашишларнинг салбий ижтимоий оқибатларини аниқлаш имконини беради.

6 Ўзбекистон Республикасида мустаҳкам оила ва репродуктив саломатликни шакллантириш омиллари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти, 2015.

(Ижтимоий тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрини ўз ичига олади, 2020 нафар респондент – шахар ва қишлоқ жойлардаги 17 – 34 ёшли уй бекалари).


7 Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё». «Ижтимоий фикр» маркази, 2018.

«Оила» маркази Сирдарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида оилавий ажрашишларнинг сабаблари ва уларнинг оқибатларини кенг ва батафсил ўрганиш мақсадида ажрашиб кетган ёки ажрашиш арафасида турган оилалар ўртасида сўровлар ўтказди. Натижалар шуни кўрсатдики, қизлар ўрта ҳисобда – 21 ёшда, йигитлар эса – 25 ёшда турмуш қуришади. Оилавий ажрашишлар биргаликдаги турмушнинг 4-6 йиллари ичида содир бўлади, бу, ўз навбатида, ёш оилаларнинг барқарор эмаслигидан далолат беради. Ажрашаётганларнинг деярли ярмида фарзанд йўқ, ҳар уч оилада – 1 нафардан фарзанд, ҳар беш оилада – 2 нафардан фарзанд бор. Маълум бўлишича, оилада икки ва ундан ортиқ фарзанднинг бўлиши ажрашиш эҳтимолини сезиларли равишда камайтиради.

Республиканинг учта вилоятида ўтказилган сўровлар натижалари ўхшаш тенденцияларни ҳам, алоҳида ҳудудга нисбатан ўзига хосликларни ҳам намоён қилди. Ўхшаш сабаблар сифатида ёш эр-хотинлар ўртасидаги доимий келишмовчиликларни, ота-оналар ва қариндошларнинг аралашуви туфайли ёш оилалардаги низоларни, никоҳнинг дастлабки йилларида фарзандли бўлмаслик каби ҳолатларни мисол келтириш мумкин.


Бироқ, ҳар бир ҳудудда ажрашишлар сабабларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб ёндашилса, Сирдарё вилоятидаги сўровлар ажрашишларнинг асосий сабаблари эр-хотинлар ўртасида ўзаро тушуниш ва келишувнинг йўқлиги, улар ўртасидаги сурункали жанжаллар ва низолар (25,6 фоиз), ота-оналарининг ёш эр-хотин ҳаётига доимий аралашувлари (12 фоиз), ичкиликбозлик (11 фоиз), бепуштлиқ сабаб оилада фарзанднинг йўқлиги (20 фоиз) эканини кўрсатди.

Ажрашадиган оилаларда болаларнинг борлиги 2018 йилда оилалар сўров натижалари бўйича



Манба: «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2018 йилда Сирдарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўровлар.

2018 йилда оилаларда ўтказилган сўровлари натижалари бўйича ажрашишлар сабаблари, % да



Манба: «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2018 йилда Сирдарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ўтказилган социологик сўровлар.

Самарқанд ва Наманган вилоятларида ўтказилган сўровлардан фарқли равишда, Сирдарё вилоятида ажрашишлар кўп ҳолларда фарзанд йўқлиги, моддий қийинчиликлар, эр-хотиндан бирининг оғир ёки сурункали касалликлари, ичкиликбозлик каби сабаблар бўйича юзага келган.

Самарқанд вилоятида эса ажрашишларнинг долзарб сабабларидан бири – эр ёки хотиннинг хиёнати (12 фоиз) экани маълум бўлди.

Наманган вилоятида ажрашишлар сабаблари сифатида доимий жанжаллар, эр-хотин ўртасида ишончнинг йўқлиги (43 фоиз), бепуштлик туфайли оилада фарзанд йўқлиги (17 фоиз) кўрсатиб ўтилди.

Шундай қилиб, учта вилоятда оилалар барбод бўлишининг асосий омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

психологик омил – оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, доимий низолар, ота-оналарнинг ёш жуфтлик ҳаётига аралаштиришлари, ёш эр-хотинларни бир бирига бегоналаштириб қўйиш, ёш келин-куёвларнинг бир-бирига бефарқлиги (Наманган вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг 57 фоизи, Самарқанд вилоятида 50 фоизи ва Сирдарё вилоятида 8 фоизи);

ижтимоий омил – ичкиликбозлик, бепуштлик, ёш эр-хотиндан бирининг касаллиги (Наманган вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг 24 фоизи, Самарқанд вилоятида 22 фоизи ва Сирдарё вилоятида 37 фоизи);

маънавий-ахлоқий омил – эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари (Наманган вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг 7 фоизи, Самарқанд вилоятида 12 фоизи ва Сирдарё вилоятида 10 фоизи);

иқтисодий омил – турар-жой шароитларининг ёмонлиги, моддий етишмовчиликлар ёки уларни


келтириб чиқарган ҳолатлар, хусусан, эрнинг ишламаслиги, ёки у томонидан оила таъминоти бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги; меҳнат мигранти сифатида кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқасининг узилгани; қарзлар. (Наманган вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг 2 фоизи, Самарқанд вилоятида 3 фоизи ва Сирдарё вилоятида 8 фоизи).

Учта ҳудуддаги ажрашишлар сабабларини тизимлаштирган ҳолда, Сирдарё вилоятида оилалар барбод бўлишининг асосий омиллари психологик ва ижтимоий омиллар экани ҳақида хулосага келиш мумкин. Самарқанд ва Наманган вилоятларида эса, психологик омиллар устунлик қилади.


Самарқанд вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг асосий омиллари, (сўралганлар оилалар сонига нисбатан %да)



Сирдарё вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг асосий омиллари, (сўралган оилалар сонига нисбатан % да)



Наманган вилоятидаги ажрашишлар сабабларининг асосий омиллари, (сўралганлар оилалар сонига нисбатан %да)



Манба: «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган социологик сўровлар.

Ажрашишларнинг ўсиш динамикасига, шунингдек, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа дахлдор ташкилотларнинг оилалар билан самарасиз ишлаши каби *институционал омиллар* ҳам таъсир кўрсатади. «Оилангизни сақлаб қолиш мумкин эди, деб ҳисоблайсизми?», деган саволга Самарқанд вилоятида сўралганларнинг 55 фоизи, Наманган вилоятидаги респондентларнинг 42 фоизи ва Сирдарё вилоятида сўров иштирокчиларининг 37 фоизи ижобий жавоб бердилар. Бунда, оилаларнинг атиги 10 фоизи вазиятнинг чигаллигини ва бирга яшашнинг умуман иложи йўқлигини қайд этган.

«Қандай шароитларда оилангизни сақлаб қолиш мумкин эди?», деган саволга ҳар уч вилоятда сўралганларнинг аксарият – Агар ота-оналар ва қариндошлар аралашмаганларида (25-30 фоиз), Агар фарзандимиз бўлганида эди (37 фоиз – Наманган вилоятида, 25 фоиз – Сирдарё вилоятида ва 15 фоиз – Самарқанд вилоятида), Агар алоҳида яшаганимизда эди (20 фоиздан ортиқ), Агар хиёнатни кечира олганимда эди (10-16 фоиз) ва Агар эрим ичмаганида эди (4-8 фоиз) деган жавоблар бўлган.

«Оилангизни сақлаб қолишга ким ёрдам берди ёки ҳаракат қилди?», деган саволга респондентлар кўпроқ маҳалла фуқаролар йиғинлари (ҳар 3 та ҳудудда 80 фоиз) деган жавобни бердилар. Бироқ, бу ёрдамлар кўпроқ вазиятларни ўрганиш ва суҳбатлар, яраштиришга уринишлар кўринишида бўлган.

Шу билан бирга, маҳалла вакиллари, ФХДЁ ходимлари ва фуқаролик судлари, маҳаллий хотин-қизлар қўмиталари ва «Оила» маркази, диний идоралар марказлари вакилларида тузилган фокус-гурӯҳларнинг эксперт сўрови қуйидагиларни кўрсатди:

1) Ажрашишларнинг асосий сабабларидан бири ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги ҳисобланади. Ажрашишларга ота-оналарига моддий жиҳатдан боғлиқ бўлган, ҳеч қандай даромад манбаига эга бўлмаган ва қарорлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлмаган йигитларнинг никоҳга кириши ҳам катта таъсир кўрсатади.

Бу сезиларли даражада қуйидаги омилларга ҳам боғлиқ:

– ота-оналарнинг ўз фарзандларини никоҳга, сўнгра, – оталик ва оналикка тайёрлаш масъулиятининг пастлиги; ота-оналар кўпинча бўлажак ёш оилалар учун ёмон намуна бўлиб хизмат қиладилар;

– Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, ички ишлар органлари, адлия органлари, жойлардаги «Маънавият ва маърифат» марказлари, айниқса, қишлоқ жойларда ёшлар билан тизимли ва мувофиқлаштирилган ишларни йўлга қўймагани;

– никоҳга кираётган ёшлар учун ахборот материалларининг сифати ва таъминланганлигининг паст даражаси. Мавжуд материаллар эса кўпинча амалий йўналтирилмаган бўлади ва реал ҳаётдан йироқ, умумий тусдаги ва оддий ва баландпарвоз шиорлар билан чегараланиб қолади;

– малакали мутахассислар етишмовчилиги, кадрларни оилаларбиланишлашга комплекс ўргатиш, уларга оғир ҳаётий вазиятларда бундай вазиятларнинг профилактикасига йўналтирилган ишларни ташкил қилишда тавсиялар ва амалий ёрдам кўрсатиб борилмаслиги.

2) Қониқарсиз уй-жой шароитлари ва бир неча оилаларнинг биргаликда яшаши, оиладаги моддий қийинчиликлар, одатда эр-хотин ўртасида ва биргаликда яшайдиган қариндошлар ўртасида низолар келтириб чиқаради (90 фоизгача респондентлар орасида ажрашган жуфтликлар сўровлари натижалари бўйича 83 фоиз – Сирдарё вилоятида, 84 фоиз – Самарқанд вилоятида ва 88 фоиз – Наманган вилоятида).

